

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ**

**РАЖАБОВ ШУХРАТ ЖУРАБОЕВИЧ**

**НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЛГАН  
БОЛАЛАРДА ШОШИЛИНЧ ҲОЛАТЛАРНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИММУНОЛОГИК ХАВФИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Ражабов Шухрат Журабоевич**

Нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда шошилишч  
холатларнинг ривожланишининг иммунологик хавфи ..... 3

**Ражабов Шухрат Журабоевич**

Иммунологические риски развития urgentных состояний  
у детей с респираторными заболеваниями..... 27

**Radjabov Shukhrat Juraboyevich**

Immunological development risks urgent conditions in  
children with respiratory diseases ..... 51

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 55

**ИММУНОЛОГИЯ ВА ИНСОН ГЕНОМИКАСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЕТ ИНСТИТУТИ**

**РАЖАБОВ ШУХРАТ ЖУРАБОЕВИЧ**

**НАФАС ОЛИШ ТИЗИМИ КАСАЛЛИКЛАРИ БЎЛГАН  
БОЛАЛАРДА ШОШИЛИНЧ ҲОЛАТЛАРНИНГ  
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ИММУНОЛОГИК ХАВФИ**

**14.00.36 – Аллергология ва иммунология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2952 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.immuno.uz](http://www.immuno.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Наврузова Шакар Истамовна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Суяров Ақром Амиркулович**  
тиббиёт фанлари доктори, катта илмий ходим

**Муллаева Лола Джавлоновна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Тошкент давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Иммунология ва инсон геномикаси институти хузуридаги DSc.02/30.12.2019.Tib.50.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Гулямов кўч, 74. Тел./факс +99871-207-08-30, e-mail: [immunology@immuno.uz](mailto:immunology@immuno.uz)).

Диссертация билан Иммунология ва инсон геномикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., Я. Гулямов кўч, 74. Тел./факс: +99871-207-08-30, e-mail: [immunology@immuno.uz](mailto:immunology@immuno.uz)).

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Т.У.Арипова**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

**Х.М.Хатамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори (DSc)

**А.А.Исмаилова**  
Илмий даражаларни берувчи илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Сўнги йилларда нафас олиш тизими касалликларининг муттасил ортиб бориши ва тез-тез қайталаниши, болалар ҳаёт сифатини пасайишига олиб келиши, болалар ўлимига сабаб бўлиши билан соғлиқни сақлаш тизимининг жиддий муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотида кўра, «...ўткир респираторли инфекциялар болаларда жуда тез-тез учрайди, болалар касалликлари таркибида биринчи ўринни эгаллайди ва барча касалланишлар таркибида юқумли касалликлар улуши 90% дан ошади, болалар ўлимининг 35%да юқумли омил муҳим аҳамиятга эга»<sup>1</sup>. Нафас олиш тизими касалликлари патогенезнинг мураккаблиги, бу касалликда ўткир яллиғланишнинг прогрессияланиши бир қатор оғир асоратлар келиб чиқиши ҳамда ижтимоий-иқтисодий оқибатлари, ушбу касалликни эрта клиник-иммунологик ташхислаш, даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уни амалий тиббиётга тадбиқ қилишни тақозо этмоқда.

Жаҳон миқёсида нафас олиш тизими касалликлари билан касалланган болаларнинг ортиши, айниқса унинг асоратларини эрта босқичда ташхислаш, олдини олиш ва даволаш чора-тадбирларини такомиллаштиришга қаратилган илмий-тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада нафас олиш тизими касалликлари ўтказган болаларда клиник-иммунологик ўзгаришларни аниқлаш, биокимёвий кўрсаткичлар ҳолатини аниқлаш, молекуляр-генетик тадқиқотлар ўтказиш, яллиғланиш хос ва қарши цитокинлар миқдорини аниқлашга бағишланган изланишлар илмий-тадқиқотларнинг устивор йўналиши бўлиб қолмоқда. Шулар билан бир қаторда ушбу касалликларда турли асоратлар ривожланиши, гемодинамикадаги ўзгаришлар ва бошқа аъзолар функционал ҳолатини баҳолаш, ташхислаш усулларини такомиллаштириш, дифференциал даволаш усулларини ишлаб чиқиш соҳа мутахассислари олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли чоралар орасида нафас олиш тизими касалликлари касалликларини эрта ташхис қўйиш, комплекс даволаш, улар асоратларини камайтириш ва олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттига устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Бундан келиб чиққан ҳолда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтариш, соғлом муҳит яратиш, айниқса, нафас олиш аъзолари касалликларида шошилиш ҳолатлар ривожланишининг клиник-иммунологик ва функционал кечиш хусусиятларини аниқлаш учун узоқ муддатли тадқиқотлар зарурлигини таъкидлайди.

<sup>1</sup>Документальный центр ВОЗ. Информационный бюллетень.2023 Доступ: <http://who.int/ru/informacionnyj-byulleten>.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ва 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ–6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ–4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ва 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Кўпгина ҳолларда, туғма иммунологик реакциялар инфекцияни бартараф этишга олиб келиши мумкин. Бироқ, баъзи беморларда дисфункционал иммунитет реакцияси пайдо бўлади, бу оғир ўпка ёки ҳатто тизимли патологияга олиб келиши мумкин (Шамшаева О. В., 2020; Анна Жулиа Пиетробон, 2020). Болаларда туғма иммунитетнинг, яъни унинг фагоцитик компонентининг этишмовчилигини кўрсатадиган ўзгаришлар аниқланди. Гуморал жавоб фаоллигини тавсифловчи умумий иммуноглобулинларнинг паст даражаси қайд этилди, бу уларнинг самарасиз синтезига сабаб бўлиши мумкин (эҳтимол уларнинг туғма иммунитет тизими томонидан етарли даражада индукция қилинмаганлиги сабабли) ёки иммуноглобулинларнинг кўп миқдордаги айланма иммун комплекслари шаклланиши билан боғлиқ (Ковтун О.П. ва бошқ., 2021).

Ҳимоя IgG миқдори симптомлар бошланганидан кейин 90-120 кун давомида сақланиб қолади (Ибаррондо ФЖ, ва бошқ. 2020; Болке Э, 2020). Аниқланишича, махсус IgM ва IgG асосан касалликнинг 10-кунидан бошлаб шакллана бошлайди, IgA антикорлари эса касалликнинг дастлабки босқичларида - 5 кундан бошлаб аниқланиши мумкин, бу эса коронавирус инфекциясини эрта ташхислаш учун ишлатилиши мумкин. Коронавирус инфекциясининг енгил ва асимптоматик шаклларида SARSCov-2 га IgG серопревалентлиги кўп ҳолларда ривожланмайди. Кузатув даврида махсус IgG антикорларини ҳосил қилган (шу жумладан касалликдан 4-5 ой ўтгач уларни йўқотганлар) одамларда, ушбу инфекциянинг давом этаётганига қарамай, тақрорий COVID-19 касаллиги ҳолатлари кузатилмаган. Шундай қилиб, коронавирус инфекциясидан тузалганлар аҳолида ушбу касалликка қарши иммунитетни шакллантириши мумкин, деб тахмин қилиш мумкин, аммо ҳозирда тузалиб кетганларда иммунитетни қанча давом этади ва улар ҳам шундай бўладими, келажакда COVID-19 га қарши иммунитетга эга бўлиш ёки

уларни эмлаш керакми деган саволга жавоб йўқ (Платонова Т. А. ва бошқ., 2021)

Ванг гуруҳи ва ҳаммуаллифлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишида (Ванг З, ва бошқ., 2021) IgA димерлари энг юқори нейтраллаштирувчи фаолликка эгаллиги ва IgG фаоллиги эса 7,5 баравар паст эканлигини аниқлади, ва ниҳоят, бир қатор тадқиқотчилар IgM ва IGA фаолиятини солиштириш мумкин деб ҳисоблашади (Зоҳар Т, ва бошқ., 2020).

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб нафас йўллари касалликлари ўтказган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланишининг клиник, биокимёвий, иммунологик кечиш хусусиятлари ва бронх-ўпка тизимининг функционал ҳолатини аниқлаш, касалликнинг диагностикаси ва дифференциал даволаш усуллари оптималлаштириш соҳа мутахассисларининг долзарб муаммоси ҳисобланади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Бухоро давлат тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №05.2024.PhD191-сонли «Бухоро вилояти аҳолисининг СОВИД-19 инфекциясидан кейинги саломатлигига таъсир этувчи патологик ҳолатни эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш» (2022-2026 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланишининг иммунологик хавфини аниқлашдан иборат

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

нафас олиш аъзолари касалликлари билан шошилиш ҳолатда бўлган болаларни касалхонага ётқизиш частотасини аниқлаш;

болаларда ўткир респиратор инфекцияларда шошилиш ҳолатларни ривожланиш хавфининг клиник, анамнестик ва лаборатория мезонларини ишлаб чиқиш;

нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда хужайрали ва гуморал иммунитет ҳолатини аниқлаш;

нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатларда цитокинлар, интерферонлар ва ўсиш омиллари кўрсаткичларини аниқлаш;

нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланиш хавфининг иммунологик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2019–2021 йилларда Бухоро вилояти Вобкент тумани тиббиёт бирлашмаси болалар реанимация бўлими назоратида бўлган 361 нафар бемор болалар касаллик тарихининг ретроспектив ва 320 нафар бемор болаларнинг проспектив тахлили ҳамда 31 нафар амалий соғлом болалар олинди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида бемор ва амалий соғлом болалар вена қони ва зардоби биокимёвий ва иммунологик тадқиқотлар учун олинди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда умумклиник, биокимёвий, иммунологик ва статистик тадқиқот усулларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда хужайравий иммунитетнинг CD4+, CD8+, CD16+, CD25+, CD95+ лимфоцитлари миқдори кескин ортиши фонида гуморал иммунитетнинг CD20+ лимфоцитлар сони, IgA, IgM миқдорининг ортиши ва IgG миқдорининг камайиши сабабли шошилиш ҳолат ривожланиш хавфи юқори бўлиши аниқланган;

илк бор нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-6, IL-8, IL-17A, TNF-а) цитокинларининг кескин ортиши фонида интерферонлар (IFN $\gamma$  INF-а) миқдорининг ишонарли камайиши сабабли шошилиш ҳолат ривожланиши хавфи ортиши исботланган;

илк бор нафас олиш касалликларида касалликнинг оғирлашуви сабабли иммунитетнинг ўсиш омиллари MCP-1 ва VEGF-A миқдорларининг соғломларга нибатан ишонали ортиши болаларда гемодинамик асоратлар ривожланиш хавфи ортишига олиб келиши исботланган;

эрта ёшли болалар нафас олиш касалликларида иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолати фонида интерферонлар (IFN $\gamma$  INF-а) миқдорининг ишонарли камайиши тизимли яллиғланиш синдроми (сепсис) ривожланишига сабаб бўлиши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

эрта ёшли болалар нафас олиш касалликларида хужайравий (CD4+, CD8+, CD16+, CD25+, CD95+) ва гуморал (CD20+, IgA, IgM, IgG) иммунитет кўрсаткичлари миқдори аниқлаш асосланган;

нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда цитокинлар профилини (INF-а, INF-у, IL-6, IL-8, IL-17A, TNF-а) аниқлаш асосланган;

шошилиш ҳолат ривожланиш хавфи юқори бўлганда гемодинамик асоратлар ривожланиш хавфи ортишида иммунитетнинг ўсиш омиллари (MCP-1 ва VEGF-A) миқдор ўзгаришларини аниқлаш таклиф этилган;

нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланиш хавфининг иммунологик кўрсаткичларини ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги** ишда қўлланилган ёндошув ва усуллар, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарли эканлиги биокимёвий, иммунологик, ва статистик тадқиқот усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотнинг илмий аҳамияти нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланишининг иммунологик хавфини аниқлаш хужайравий иммунитетнинг CD4+, CD8+, CD16+, CD25+, CD95+

лимфоцитлари миқдори кескин ортиши фонида гуморал иммунитетнинг CD20+ лимфоцитлар сони, IgA, IgM миқдорининг ортиши ва IgG миқдорининг камайиши сабабли шошилиш ҳолат ривожланиш хавфи юқори бўлиши аниқланганлиги, иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-6, IL-8, IL-17A, TNF-a) цитокинларининг кескин ортиши фонида интерферонлар (IFN $\gamma$  INF-a) миқдорининг ишонарли камайиши сабабли шошилиш ҳолат ривожланиши хавфи ортиши исботланганлиги, иммунитетнинг ўсиш омиллари MCP-1 ва VEGF-A миқдорларининг соғломларга нибатан ишонали ортиши болаларда гемодинамик асоратлар ривожланиш хавфи ортишига олиб келиши исботланганлиги ва иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолати фонида интерферонлар (IFN $\gamma$  INF-a) миқдорининг ишонарли камайиши тизимли яллиғланиш синдроми (сепсис) ривожланишига сабаб бўлиши аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эрта ёшли болалар нафас олиш касалликларида хужайравий (CD4+, CD8+, CD16+, CD25+, CD95+) ва гуморал (CD20+, IgA, IgM, IgG) иммунитет кўрсаткичлари миқдори аниқлаш асосланганлиги, цитокинлар профилини (INF-a, INF-y, IL-6, IL-8, IL-17A, TNF-a) аниқлаш асосланганлиги, шошилиш ҳолат ривожланиш хавфи юқори бўлганда гемодинамик асоратлар ривожланиш хавфи ортишида иммунитетнинг ўсиш омиллари (MCP-1 ва VEGF-A) миқдор ўзгаришларини аниқлаш таклиф этилганлиги ҳамда нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланиш хавфининг иммунологик кўрсаткичларини ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланишининг иммунологик хавфини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалари асосида:

*биринчи илмий янгилиги:* нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда хужайравий иммунитетнинг CD4+, CD8+, CD16+, CD25+, CD95+ лимфоцитлари миқдори кескин ортиши фонида гуморал иммунитетнинг CD20+ лимфоцитлар сони, IgA, IgM миқдорининг ортиши ва IgG миқдорининг камайиши сабабли шошилиш ҳолат ривожланиш хавфи юқори бўлиши аниқланганлиги бўйича «Респиратор касалликларга чалинган болаларда шошилиш ҳолатларни башорат қилиш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 12 сентябрдаги 23-м/094-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф Бухоро вилоят Пешку туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 02.10.2023 йилдаги №193-сонли, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 20.12.2023 йилдаги №88-сонли ҳамда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича 27.07.2024 йилдаги №150-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/23-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланишини эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, болалар ўлими даражасини пасайтириш, асоратлар ҳолатини камайтириш ва

хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро вилоят Пешку туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши респиратор касалликларга чалинган болаларда шошилиш ҳолатларни башорат қилиш усулини қўллаш иммунологик маркёрларни миқдор ўзгаришларига кўра шошилиш ҳолатларни ривожланишини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усуллари оптималлаштириш орқали ҳар бир нафар беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 29544263,7 сўмгача тежашга ва касалхонага ётиш муддатини қисқартишга имкон яратади; *хулоса*: нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда хужайравий иммунитетнинг CD4+, CD8+, CD16+, CD25+, CD95+ лимфоцитлари миқдори кескин ортиши фонида гуморал иммунитетнинг CD20+ лимфоцитлар сони, IgA, IgM миқдорининг ортиши ва IgG миқдорининг камайиши шошилиш ҳолат ривожланиш хавфи юқори бўлиши асосланган;

*иккинчи илмий янгилиги*: илк бор нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-6, IL-8, IL-17A, TNF-a) цитокинларининг кескин ортиши фонида интерферонлар (IFN $\gamma$  INF-a) миқдорининг ишонarli камайиши сабабли шошилиш ҳолат ривожланиши хавфи ортиши исботланганлиги бўйича «Респиратор касалликларга чалинган болаларда шошилиш ҳолатларни башорат қилиш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 12 сентябрдаги 23-м/094-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф Бухоро вилоят Пешку туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 02.10.2023 йилдаги №193-сонли, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 20.12.2023 йилдаги №88-сонли ҳамда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича 27.07.2024 йилдаги №150-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/23-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланишини эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, болалар ўлими даражасини пасайтириш, асоратлар ҳолатини камайтириш ва хаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро вилоят Пешку туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши респиратор касалликларга чалинган болаларда шошилиш ҳолатларни башорат қилиш усулини қўллаш иммунологик маркёрларни миқдор ўзгаришларига кўра шошилиш ҳолатларни ривожланишини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усуллари оптималлаштириш орқали ҳар бир нафар беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 29544263,7 сўмгача тежашга ва касалхонага ётиш муддатини қисқартишга имкон яратади; *хулоса*: нафас олиш касалликлари билан касалланган болаларда иммунитетнинг яллиғланишга хос (IL-6, IL-8, IL-17A, TNF-a) цитокинларининг кескин ортиши

фонида интерферонлар (IFN $\gamma$  INF-a) миқдорининг ишонарли камайиши сабабли шошилиш ҳолат ривожланиши хавфи ортиши асосланган;

*учинчи илмий янгилиги:* илк бор нафас олиш касалликларида касалликнинг оғирлашуви сабабли иммунитетнинг ўсиш омиллари MCP-1 ва VEGF-A миқдорларининг соғломларга нибатан ишонали ортиши болаларда гемодинамик асоратлар ривожланиш хавфи ортишига олиб келиши исботланганлиги бўйича «Респиратор касалликларга чалинган болаларда шошилиш ҳолатларни башорат қилиш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 12 сентябрдаги 23-м/094-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф Бухоро вилоят Пешку туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 02.10.2023 йилдаги №193-сонли, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 20.12.2023 йилдаги №88-сонли ҳамда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича 27.07.2024 йилдаги №150-сонли буйруқлари билан амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/23-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги:* илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатлар ривожланишини эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, болалар ўлими даражасини пасайтириш, асоратлар ҳолатини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги:* илмий натижаларнинг Бухоро вилоят Пешку туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши респиратор касалликларга чалинган болаларда шошилиш ҳолатларни башорат қилиш усулини қўллаш иммунологик маркёрларни миқдор ўзгаришларига кўра шошилиш ҳолатларни ривожланишини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усулларини оптималлаштириш орқали ҳар бир нафар беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 29544263,7 сўмгача тежашга ва касалхонага ётиш муддатини қисқартишга имкон яратади; *хулоса:* нафас олиш касалликларида касалликнинг оғирлашуви сабабли иммунитетнинг ўсиш омиллари MCP-1 ва VEGF-A миқдорларининг соғломларга нибатан ишонали ортиши болаларда гемодинамик асоратлар ривожланиш хавфи ортиши асосланган;

*тўртинчи илмий янгилиги:* эрта ёшли болалар нафас олиш касалликларида иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолати фонида интерферонлар (IFN $\gamma$  INF-a) миқдорининг ишонарли камайиши тизимли яллиғланиш синдроми (сепсис) ривожланишига сабаб бўлиши аниқланганлиги бўйича «Респиратор касалликларга чалинган болаларда шошилиш ҳолатларни башорат қилиш усули» услубий тавсияномаси ишлаб чиқилган (Бухоро давлат тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2023 йил 12 сентябрдаги 23-м/094-сонли маълумотномаси). Мазкур таклиф Бухоро вилоят Пешку туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 02.10.2023 йилдаги №193-сонли, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази бўйича 20.12.2023 йилдаги №88-сонли ҳамда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали бўйича 27.07.2024 йилдаги №150-сонли буйруқлари билан

амалиётларига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашининг 2024 йил 22 октябрдаги 07/23-сонли хулосаси); *ижтимоий самарадорлиги*: илмий натижаларни клиник амалиётга жорий этилиши нафас олиш тизими касалликлари бўлган болаларда шошинч ҳолатлар ривожланишини эрта ташхислаш, даволаш тактикасини оптималлаштириш, болалар ўлими даражасини пасайтириш, асоратлар ҳолатини камайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилашга имкон яратади; *иқтисодий самарадорлиги*: илмий натижаларнинг Бухоро вилоят Пешку туман тиббиёт бирлашмаси, Бухоро вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамда Республика тез тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали амалий фаолиятларига жорий этилиши респиратор касалликларга чалинган болаларда шошинч ҳолатларни башорат қилиш усулини қўллаш иммунологик маркёрларни миқдор ўзгаришларига кўра шошинч ҳолатларни ривожланишини ўз вақтида аниқлаш ва даволаш усуллари оптималлаштириш орқали ҳар бир нафар беморга нисбатан сарфланган маблағнинг 29544263,7 сўмгача тежашга ва касалхонага ётиш муддатини қисқартишга имкон яратади; *хулоса*: эрта ёшли болалар нафас олиш касалликларида иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолати фонида интерферонлар (IFN $\gamma$  INF-a) миқдорининг ишонарли камайиши тизимли яллиғланиш синдроми (сепсис) ривожланиши асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари жами 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати, мақсад ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончилиги асослаб берилган, уларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, иш апробацияси, натижаларининг нашр этилиши ва диссертация тузилмаси ҳақидаги маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг «**Нафас олиш тизими касалликлари билан оғриган болаларнинг шошинч шароитларини ўрганишнинг замонавий жиҳатлари**» деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётларни таҳлили келтирилган, шу жумладан, нафас олиш касалликлари билан оғриган болаларда шошинч шароитларнинг замонавий клиник мезонларини

муҳокама қилинган. Нафас олиш тизими касалликлари билан оғриган болаларда кейинги тадқиқотларни талаб қиладиган шошилиш ҳолатларнинг ривожланишидаги иммунологик ва биокимёвий кўрсаткичларни ўрганиш натижалари келтирилган.

Диссертациянинг «**Клиник материаллар ва тадқиқот усуллари**нинг тавсифи» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотни ретроспектив ва проспектив материалларининг тавсиф маълумотлари келтирилган.

Ишнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ 2019-2021-йилларда Бухоро вилояти Вобкент тумани тиббиёт бирлашмасининг болалар реанимация бўлимига ётқизилган нафас йўллари касалликлари билан оғриган болаларда шошилиш ҳолатларнинг кузатилиши ретроспектив таҳлил қилинган.

Ўрганилаётган даврда ҳар 1000 болага ўткир респираторли инфекциялар частотаси динамикаси бўйича 3,2 баравар камайганлиги аниқланган, аммо ўткир респираторли инфекциялар билан касалланган болаларда шошилиш ҳолатларнинг учраш частотаси 3,0 бараварга ошган. Агар 2019 ва 2020 йилларда болаларда ўткир респиратор инфекциялар билан боғлиқ шошилиш ҳолатларнинг частотаси ўткир респираторли инфекциялар билан касалланган ҳар 1000 болага мос равишда 1,96 ва 2,84 ни ташкил этган бўлса, 2021-йилда ўткир респираторли инфекциялар билан касалланган ҳар 1000 болага 8,36 тани ташкил этади (1-расм).




**1-расм. Бухоро вилояти Вобкент туманида яшовчи болаларда ўткир респиратор инфекциялар билан касалланиш кўрсаткичлари**

Ретроспектив таҳлил қилиш учун ўрганилаётган даврда Вобкент туман марказий нафас йўллари касалликлари шифохонасининг реанимация бўлимига ётқизилган, шошилиш шароитда бўлган 361 нафар бемор болаларнинг касаллик тарихи ўрганилди.

Ўрганилаётган даврда 0-3 ёшли болаларда ўткир респиратор инфекциялар туфайли шошилиш ҳолатлар туфайли касалхонага ётқизиш ҳолатлари кўпайганлиги аниқланди.

Болаларда респиратор касалликларнинг шошилиш шароитлари тузилишини таҳлил қилиш 2019 йилда болаларда ўткир респиратор

инфекциялар ҳолатлари кўпайганлигини кўрсатди, 2-расм.



**2-расм. 0-3 ёшли нафас олиш органлари касалликлари туфайли шошилиш шароитда бўлган болаларнинг нозологик тузилмаси**

Жинс ва ёшга кўра шошилиш ҳолатда касалхонага ётқизиш частотасини таҳлил қилиш натижалари ўғил болалар- 208 (57,6%) реанимация ва интенсив терапия бўлимига қизларга кўра- 153 (42,4%) кўпроқ ўтказилганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Иммунология ва инсон геномикаси институтининг иммуноморфология лабораториясида болалар қонини иммунологик текшириш ишлари олиб борилди. Хужайра (СД3, СД4, СД8, СД16, СД25, СД95, СД20) ва гуморал иммунитет (IgG, IGA, IgM) кўрсаткичлари ўрганилди. Реанимация бўлимига ётқизилган беморлардан дастлабки 3 кун ичида эрталаб оч қоринга қон таҳлиллари олинди. Инсон лимфоцитларининг асосий популяцияларини аниқлаш учун Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Иммунология институтида, "Сорбент" илмий-ишлаб чиқариш марказида (Москва) билвосита розетка шаклланиши усулида ишлаб чиқилган ЛТ сериясининг моноклонал антикорларни ишлатилган.

Олинган натижаларнинг статистик таҳлили вариацион статистика услублари ёрдамида бажарилди. Фарқлар ишончлилиги Стьюдент мезони асосида, асосий дисперсияларни меъерий тақсимлаш ва тенглаштириш текширувида (F – Фишер мезони) хатолик эҳтимолининг ҳисобга олинishi (P) билан баҳоланди. Корреляцион таҳлил Пирсон услубини қўллаш орқали бажарилди (r). Чизикли корреляцион таҳлил абсолют белгилари бўйича қон кўрсаткичлари орасида тўғридан тўғри алоқани ўрнатиш имконини берган. Корреляцион боғлиқлик мезонлари Чеддок шкаласи бўйича баҳоланган (2015).

Диссертациянинг «**Нафас олиш тизими касалликлари билан оғриган болалар шошилиш ҳолатларининг хусусиятлари**» деб номланган учинчи бўлимида хавф омили ва болаларда ўткир респиратор инфекцияларнинг оқибати ўртасидаги боғлиқликни таҳлил қилиш натижалари тасвирланган.

Болалардаги шошилиш ҳолатлар хавфининг информацион

кўрсаткичларини ишлаб чиқиш учун 160 нафар ўткир респиратор инфекцияли шошилинч ҳолатда бўлган бемор ва 160 нафар ўткир респиратор инфекцияли (шошилинч ҳолатсиз) болалар танлаб олинди.

Ўткир респиратор инфекциялар билан оғриган болаларда шошилинч ҳолатларнинг ривожланиши учун хавф омилларини баҳолашнинг оптимал усулини ишлаб чиқиш учун беморлар анамнезни синчковлик билан ўрганиб чиқдик, ўрганиш натижаларини, лаборатория қон параметрларини ва ўткир респираторли инфекцияларда шошилинч ҳолатларни аниқлаш ва ташхислашда қўлланилиши керак бўлган функционал кўрсаткичларни таҳлил қилдик.

Таъсир қилиш ва/ёки хавф омилларнинг мавжудлигига қараб натижалардаги фарқларнинг аҳамиятини баҳолаш учун Хи-квадрат тести ҳисоблаб чиқилган. Шу билан бирга, иккита тадқиқот гуруҳидаги шошилинч ҳолатлар белгилари фоизини солиштириш учун тўртта жадвали тузилди. Барча касал болалар 4 гуруҳга бўлинган: А, Б, С, Д. Шу билан бирга, А гуруҳига ўткир респиратор инфекциялар (ларингит, обструктив бронхит) билан шошилинч ҳолатда бўлган болалар (80); Б гуруҳига оғир ҳолатдаги пневмония билан оғриган болалар (80); С гуруҳига энгил ва ўртача даражадаги ўткир респираторли инфекциялари бўлган болалар (80) (шошилинч ҳолат йўқ); Д гуруҳига соғлом болалар киради (80).

Тадқиқот учун танланган касал ва соғлом болалар гуруҳлари асосий клиник, лаборатория ва функционал кўрсаткичлар бўйича рандомизацияланган. Биз болаларда ўткир респираторли инфекциялар пайтида шошилинч ҳолатларни ривожланиш хавфини аниқлаш учун уларни даволаш тактикасини аниқлаш учун тўртта майдонли прогностика жадвалини туздик. Янги онлайн дастур – StatTex хизмати ёрдамида жами 33 та хусусият ўрганилди ва ҳисоблаб чиқилди.

Хавф омили ўртасидаги муносабатларнинг кучини баҳолаш мезонларидан фойдаланиб, биз ўрганилаётган хавф омилларнинг мавжудлиги ва/ёки таъсирига қараб, ўрганиш гуруҳидаги болаларда шошилинч ҳолатларнинг ривожланишининг натижаси эҳтимолини аниқладик.

Ўткир респираторли инфекциялари бўлган болаларда шошилинч ҳолатларни ривожланиш хавфи билан юқори корреляцияга эга бўлган ўзига хос клиник ва анамнестик кўрсаткичлар аниқланди: - такрорий ларингит ( $\chi^2$ -90,909), безовталиқ ( $\chi^2$ -87,604), уйқусизлик ( $\chi^2$ -90,196), нафас сиқиши ( $\chi^2$ -104,025), сатурациянинг камайиши  $>94\%$  ( $\chi^2$ -133,413), тахикардия ( $\chi^2$ -104,025), шиллиқ қават ва оғиз бурун учбурчагида кўкаришлар ( $\chi^2$ -81,238), тез-тез ЎРК билан касалланиш ( $\chi^2$ -49,924), қайталанувчи отит ( $\chi^2$  -44,100), атопия ( $\chi^2$ -51,627), кандидоз ( $\chi^2$ -62,854), рахит ( $\chi^2$ -40,404), бармоқларда цианоз ( $\chi^2$ -36,703), уремия ( $\chi^2$ -65,117), гипокальциемия ( $\chi^2$ -65,280),  $p < 0,001$

Ўткир респиратор инфекциялари бўлган болаларда шошилинч ҳолатларнинг ривожланишининг нисбий хавфини (НХ) ҳисоблашда тез-тез учрайдиган анамнезида синусит билан (йилига 2 мартадан ортиқ) нисбатан кучли ассоциациялар аниқланди-  $\chi^2$ -15,825,  $p < 0,001$ ; микоплазмали инфекция -  $\chi^2$ -23,700,  $p < 0,001$ ; бош оғриғи -  $\chi^2$ -27,307,  $p < 0,001$ ; камқонлик-  $\chi^2$ -34,359,


$p < 0,001$ ; гайриихтиёрий дефекация ҳаракати-  $\chi^2-14,405$ ,  $p < 0,001$ ; таёқча-ядро хужайралари туфайли нейтрофилоз  $\chi^2-34,560$ ,  $p < 0,001$ ; моноцитоз-  $\chi^2-24,725$ ,  $p < 0,001$ ; гипопротеинемия-  $\chi^2-23,330$ ,  $p < 0,001$ .

Ўткир респираторли инфекциялари бўлган болаларда шошилиш шароитларни ривожланиш хавфи ўртасидаги ўртача боғланишлар ЦМВ / герпес инфекциясининг мавжудлиги билан боғлиқ -  $\chi^2-7,447$ ,  $p=0,007$ ; оксил энергетик етишмовчилик-  $\chi^2-5,702$ ,  $p=0,017$ ; сийдик тута олмаслик -  $\chi^2-4,394$ ,  $p=0,037$ ; талваса синдроми -  $\chi^2-3,298$ ,  $p=0,070$ ; гипогликемия -  $\chi^2-8,935$ ,  $p=0,003$  аниқланди.

Шошилиш вазиятларни ривожланиш хавфи юқори бўлган патологиялардан атопия, ЦМВ, герпес инфекцияси, микоплазмоз, кандидоз, рахит, анемия ва оксил энергетик етишмовчилик мавжудлиги аниқланди.

Болаларда ўткир респиратор инфекцияларда шошилиш ҳолатининг ривожланишига таҳдид соладиган клиник белгилар аниқланган: кўзғалиш ҳолати, цефалгия, уйқусизлик, нафас қисилиши, кислородга тўйинганликнинг ( $SO_2$ ) 94% дан паст бўлиши, тахикардия, периорал цианоз, тирноқларнинг кўкариши, тери рангининг оқариши.

Биз ўткир респираторли инфекциялари бўлган болаларда шошилиш ҳолатларни ривожланиш хавфи юқори эканлигини кўрсатадиган ўзига хос лаборатория кўрсаткичларини аниқладик: таёқчасимон хужайралари туфайли нейтрофилия, эозинофилия, моноцитоз, уремия, гипокалциемия, гипопротеинемия, гипогликемия, цитолиз, коагулопатия.



**3-расм. Болаларда ўткир респиратор инфекцияларда шошилиш ҳолатларни ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган клиник белгилар**

Биобарин, юқоридаги барча ҳолатлар ва аломатлар ўткир респиратор инфекциялари бўлган болаларда шошилиш ҳолатларнинг ривожланишининг юқори эҳтимолини кўрсатади, айниқса, энг юқори имконият мавжуд бўлганда кузатилади:  $SO_2 < 94\%$  -  $NH-585,0 \pm 0,852$  (95%  $ИИ- 110,102-3108,263$ ); тахикардия -  $NH-132,28 \pm 0,662$  (95%  $ИИ-36,145-484,126$ ); уйқусизлик -  $NH-88,407 \pm 0,647$  (95%  $ИИ-24,897 -313,927$ ); кучли кўзғалиш -  $NH-82,404 \pm 0,644$  (95%  $ИИ -23,300-291,429$ ); такрорий ларингит- $NH-58,143 \pm 0,516$  (95%  $ИИ-21,128-160,007$ ); периорал цианоз -  $NH-35,545 \pm 0,451$  (95%  $ИИ-14,684-86,044$ );

бармоқларда цианоз-НХ-28,826±0,751 (95% ИИ-6,615-125,613); гипокальциемия- НХ-21,0±0,416 (95% ИИ-9,299-47,424); кандидоз- НХ-19,519±0,412 (95%ИИ -8,705 -43,765); атопия- НХ-16,714 ±0,440 (95% ИИ-7,052 -39,614); тез-тез ЎРК- НХ -13,800± 0,404 (95% ИИ -6,246-30,490); кайталанувчи отит- НХ-10,307±0,372 (95% ИИ- 4,976-21,351), 3-расм.

Ўткир респиратор инфекциялар билан касалланган болалар ахволининг оғирлигининг асосий кўрсаткичларини баҳолаш ва қиёсий баҳолаш учун 1-3 ёшдаги болалар соғлиғига қараб танлаб олинди:1-асосий гуруҳ: шошилинч ҳолатда бўлган ўткир респиратор инфекцияли касал болалар – 35 нафар; 2-қиёслаш гуруҳи: шошилинч ҳолат бўлмаган ўткир респиратор инфекцияли касал болалар – 35 нафар; 3-назорат гуруҳи: соғлом болалар -31нафар.

Ўткир респиратор инфекциялар туфайли шошилинч ҳолатларда болаларда камқонликнинг ривожланиши, гемоглобин (Hb) нинг энг паст қиймати-90 г / л, максимал гемоглобин қиймати 125,0 г / л ни ташкил этиши аниқланди. Гемоглобиннинг ўртача концентрацияси 107,8±1,28 г/л, эритроцитлар - 3,64±0,04 x10<sup>9</sup>, ранг кўрсаткичи 0,84±0,01.

Асосий гуруҳдаги болаларда тармоқли лейкоцитлар даражасининг назоратга нисбатан 1,7 бараварга сезиларли - 3,65±0,16 (p<0,05) ва таққослаш гуруҳига нисбатан 1,2 марта - 4,29 ± 0,29 (p<0,05) ўсиши аниқланди.

Таққослаш гуруҳидаги беморларда периферик қондаги моноцитлар миқдорининг назорат гуруҳи(6,13 ± 0,55)га нисбатан 1,39 марта (8,57±0,45 гача), асосий гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 1,47 марта (5,80±0,34) статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши аниқланди (p <0,05).

Эозинофиллар 1-гуруҳдаги беморларда ҳам назорат гурҳи кўрсаткичи (1,96±0,15)га нисбатан, 2,93±0,23 гача кўтарилди, бу p<0,05 даржасида ишончли бўлди. 2-гуруҳдаги беморларда -2,51±0,18 га кўтарилиш тенденцияси назоратга кўра- 1,96 ± 0,15 мавжуд.

Қоннинг биокимёвий таҳлилида асосий гуруҳдаги болаларда қондаги мочевина миқдори 10,9 ± 0,52 ммол / л гача таққослаш гуруҳига нисбатан - 9,19 ± 0,2 ммол/л (p<0,05) ва назоратга - 9,33±0,19 ммол/л нисбатан кўтарилган (p<0,05), (4-расм). Таққослаш гуруҳидаги болаларда (98,54 ± 2,2 ммол/л) креатинин асосий ва назорат гуруҳларига нисбатан мос равишда ортиб боради: 67,34 ± 3,2 ммол/л (p<0,05) ва 91,29±2,1 ммол/л (p<0,05), 4-расм.



**4-расм. Ўткир респиратор инфекцияли болаларнинг биокимёвий қон намунаси**

Бинобарин, оғир респиратор патологияси бўлган болаларда умумий лаборатория ва биокимёвий қон параметрларининг натижалари нафас олиш бузилиши синдроми ривожланиши билан нафас етишмовчилигининг ривожланиш хавфини кўрсатади.

Иммунитет ҳолатини ўрганиш учун 1-3 ёшли болаларда ҳужайра ва гуморал иммунитет параметрлари учун қон таҳлили ўтказилди.

Болалар қонидаги ҳужайра иммунитетининг параметрларини баҳолаш натижасида 1-гуруҳдаги СД3- лимфоцитларининг нисбий таркиби 2-гуруҳ билан солиштирганда ушбу кўрсаткичлар концентрациясининг юқори чегарасидан ошиб кетганлиги аниқланди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Болаларда ҳужайра иммунитетининг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар (%)	Назорат гуруҳи (соғлом болалар)		1-Асосий гуруҳ		2- Таққословчи гуруҳ	
	min-max	ўртача	min-max	ўртача	min-max	ўртача
CD3+	29,0-51,0	41,65±1,41	28,0-65,0	42,14±1,38 <sup>^</sup>	16,0-53,0	33,34±2,52*
CD4+	12,0-36,0	19,68± 0,87	12,0-58,0	25,11± 1,61* <sup>^</sup>	4,0-34,0	18,2± 1,73
CD8+	8,0-37,0	19,32± 1,61	8,0-51,0	28,23± 1,96* <sup>^</sup>	4,0-34,0	17,34± 1,69
CD16+	5,0-32,0	16,35± 1,43	5,0-48,0	24,94± 2,09* <sup>^</sup>	3,0-31,0	16,97± 1,63
CD25+	7,0-28,0	17,97±1,22	11,0-95,0	24,77±2,35* <sup>^</sup>	3,0-32,0	16,57±1,63
CD95+	7,0-31,0	18,52±1,19	6,0-39,0	23,86±1,65* <sup>^</sup>	3,0-30,0	17,23±1,85

Эслатма: \*-соғлом гуруҳга нисбатан ишончли (\*-p<0,05, \*p<0,01)

<sup>^</sup> - таққослаш гуруҳига нисбатан ишончли (<sup>^</sup>-p <0,05, <sup>^</sup> p<0,01)

Шу билан бирга, таққослаш гуруҳидаги беморларда СД3- лимфоцитлар миқдори (33,34±2,52%) асосий ва назорат гуруҳларининг кўрсаткичларига нисбатан сезиларли даражада мос равишда 41,65±1,41% ва 42,14±1,38% камайган (p < 0,05).


Назорат гуруҳи ва таққослаш гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан асосий гуруҳдаги касал болаларда СД4+, СД8+, СД16+, СД25+ ва СД95+ лимфоцитлари даражасининг статистик жиҳатдан сезиларли ўсиши аниқланди (p <0,05).

Демак, нафас олиш касалликлари билан оғриган болаларда шошилинич ҳолат лимфоцитларнинг ёрдамчи, супрессор ва киллер фаоллиги ва ҳужайраларнинг эрта пролиферацияси ва апоптоз жараёнларининг фаоллашиши билан бирга кечади. Болалардаги нафас йўллари касалликларида гуморал иммунитетнинг кўрсаткичлари ҳолатининг оғирлигига қараб фарқланади. Шошилинич ҳолатда бўлган 1-гуруҳ болаларида СД20+

лимфоцитлар миқдори назорат-  $17,13 \pm 1,46\%$  га нисбатан  $21,97 \pm 1,02\%$  гача, IgA ( $1,97 \pm 0,37$  г/л) назоратга -  $0,48 \pm 0,07$  г/л кўра ошган,  $p < 0,05$ .

IgM ҳам асосий гуруҳда  $1,65 \pm 0,18$  г/л назоратга нисбатан-  $0,5 \pm 0,06$  г/л сезиларли даражада ошган,  $p < 0,05$ .

Тадқиқотда IgG миқдорининг таққослаш гуруҳи-  $7,1 \pm 0,49$  г/л га нисбатан статистик жиҳатдан сезиларли даражада  $5,26 \pm 0,65$  г/л гача пасайиши аниқланди - бу нафас олиш касалликларининг оғирлигига боғлиқ (5-расм).



**5-расм. Нафас аъзолари касалликлари бўлган болаларда гуморал иммунитет кўрсаткичлари**

Демак, қонда IgG қанчалик камайса, нафас олиш касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатни ривожланиш хавфи шунчалик юқори бўлади.

Шундай қилиб, замонавий ва маҳаллий адабиётлар маълумотларини ўрганиш, ўткир респираторли инфекциялари бўлган болаларда ҳужайрали ва гуморал иммунитетни ўрганиш натижаларига кўра, IgG шошилиш шароитлар ривожланишининг оғирлиги ва прогнозининг кўрсаткичи эканлиги аниқланди. 1-3 ёшли болаларда нафас аъзолари касалликларида шошилиш ҳолат лимфоцитларнинг ёрдамчи, супрессор ва қотил фаоллиги ва ҳужайраларнинг эрта кўпайиши ва апоптоз жараёнларининг фаоллашиши билан бирга кечади.

Диссертациянинг «**Болаларда нафас олиш касалликларида шошилиш ҳолатларни ташхислашда интерферон ва цитокинлар миқдорининг аҳамияти**» деб номланган тўртинчи бўлимида респиратор касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатларда цитокин профилини ўрганиш натижаларини тақдим этилган.

Яллиғланиш чақирувчи цитокинлар синтези ҳолатини ўрганиш учун текширувга танлаб олинган беморларда интерлейкинлар -6,8,17 А ва ўсма некрози омили (TNF-а) даражаси аниқланди. Олинган натижаларни солиштириш учун назорат гуруҳида соғлом болаларда ҳам қон таҳлил натижалари ўтказилди.

Натижада эрта ёш болаларда нафас йўллари касалликларида цитокин ҳолатини фарқлаш мумкин бўлди. Асосий гуруҳдаги болаларда IL-6

даражасининг ўсиши назорат гуруҳидагилар кўрсаткичига нисбатан 2,0 марта, таққослаш гуруҳидаги беморларда- 1,64 марта кўплиги аниқланди ( $p < 0,001$ ), 2-жадвал.


**2-жадвал**

**Эрта ёшли болаларда цитокинлар миқдори**

Кўрсаткичлар (пг/мл)	Назорат гуруҳ (соғлом болалар)		1-Асосий гуруҳ		2-Таққословчи гуруҳ	
	min-max	ўртача	min-max	ўртача	min-max	ўртача
IL-6	21,2-39,3	28,71±1,09	47,8-67,2	56,97±1,26 ***^	38,7-56,0	47,12±0,97* **
IL-8	12,5-26,2	16,38± 0,6	38,9-54,8	46,68±0,88 ***^^	18,9-32,1	27,56± 0,74***
IL-17A	12,5-23,2	17,61± 0,52	30,3-65,7	47,11± 1,64***^	25,5-51,2	39,11± 0,99***
TNF-a	21,1- 33,2	25,87± 0,83	59,8-102,0	82,37± 2,02***^^	28,7-45,1	38,82± 0,82***

Изох: \*-соғлом гуруҳга нисбатан ишончли (\*- $p < 0,05$ , \*\*- $p < 0,01$ , \*\*\*- $p < 0,001$ )  
^ - таққослаш гуруҳига нисбатан муҳим (^- $p < 0,05$ , ^^  $p < 0,01$ , ^^ $p < 0,001$ )


IL-6 динамикасини қиёсий баҳолаш нафас олиш тизими касалликлари билан оғриган ёш болаларда шошилиш ҳолатининг ривожланиши даврида статистик жиҳатдан сезиларли ўсишни кўрсатди, асосий гуруҳдаги касал болаларда IL-6нинг минимал градацияси 47,8, максимал-67,2 пг/мл оралиғида эди, б-расм.



**б-расм. Ёш болаларда нафас олиш касалликларида ИЛ-6 градацияси**

Тадқиқотда аниқланган нафас олиш касалликлари бўлган болаларда шошилиш ҳолатларининг ривожланишида IL-6 даражасининг статистик жиҳатдан сезиларли даражада ошиши уни ёш болаларда ўткир респираторли






**8-расм. Болалар нафас аъзолари касалликларида ИЛ-17 А градацияси**

Шу билан бирга, ИЛ-17А нинг энг юқори концентрацияси >65,7 пг/мл дан юқори бўлса, РИТБга беморни кўчириш ва шошилиш чораларни қайта кўриб чиқишни талаб қиладиган шошилиш ҳолатларни ривожланиш хавфи юқори эканлигини кўрсатади.

Асосий гуруҳдаги болаларда TNF-а даражасининг ўсиши назорат кўрсаткичларига нисбатан 3,2 баравар, таққослаш гуруҳидаги беморларда 1,5 баравар ошиши аниқланди ( $p < 0,001$ ), 2-жадвал.

